

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т/ФМ.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

АН ЕКАТЕРИНА ВЛАДИМИРОВНА

**НАМЛАНГАН ГРУНТЛАРДА ЖОЙЛАШГАН ҚУВУРЛАРНИНГ
ДИНАМИК УСТУВОРЛИГИ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical and mathematical sciences**

Ан Екатерина Владимировна

Намланган грунтларда жойлашган қувурларнинг динамик устуворлиги.3

Ан Екатерина Владимировна

Динамическая устойчивость трубопроводов, расположенных в
водонасыщенных грунтах 23

Ан Екатерина Владимировна

Dynamic stability of pipelines located in water-full soil 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т/ФМ.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

АН ЕКАТЕРИНА ВЛАДИМИРОВНА

**НАМЛАНГАН ГРУНТЛАРДА ЖОЙЛАШГАН ҚУВУРЛАРНИНГ
ДИНАМИК УСТУВОРЛИГИ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/FM17 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.tdu.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рашидов Турсунбой

техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Султанов Карим Султанович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Сафаров Исмоил

физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T/FM.03.04 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «3» март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси-2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (39 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2 уй. Тел.: (99871) 246-46-00.

Диссертация автореферати 2018 йил «19» феврал куни тарқатилди.

(2018 йил «19» февралдаги 42 рақамли реестр баённомаси).

К.А. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Д. Тураходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.М. Мирсаидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда зилзилавий ҳудудларда намланган грунтларда жойлашган ер ости қувурларининг устуворлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, ер ёриқлари ёки кўчкилар содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудлардан, шунингдек намланган грунтларда жойлашган ер ости қувурларининг устуворлигини таъминлаш учун лойиҳалаш усулларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада кўпгина ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Япония, Туркия, Италия, Хиндистон, Эрон ва бошқа сейсмик хавфли ҳудудларда ер ости қувурларининг устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда турли хил грунт шароитларида жойлашган қувурларнинг устуворлигини таъминлаш ва бўртиб чиқишининг олдини олишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан ер ости қувурларнинг зилзила оқибатида бўртиб чиқиш омилларини ҳамда қувурларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш ва қудукларни кўтарилишини камайтиришга хизмат қиладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамызда ер ости қувур тизимларини зилзилавий ҳудудларда ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш ва ер ости қувурларнинг зилзила содир бўлгандаги шикастланиш даражасини баҳолаш, уларнинг турғунлигини таъминлаш, жумладан, намланган грунтларда жойлашган қувурларнинг мустаҳкамлигини ошириш учун сейсмик таъсирларга ҳисоблаш ва лойиҳалаш услубларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борада, жумладан намланган грунтларда жойлашган ер ости қувурларнинг устуворлигини ошириш бўйича янги ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Ушбу йўналишда ер ости қувурларининг сейсмик мустаҳкамлиги масалаларида устуворликни ошириш зарур ҳисобланади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, ... қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш, ...»¹ таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан намланган грунтларда ётқизилган ер ости қувурларини сейсмик устуворлигини таъминлаш ва устуворликни ҳисоблаш учун компьютер дастурларини яратиш, грунтнинг реологик параметрлари ҳамда қувурнинг геометрик ва механик характеристикаларини унинг устуворлигига таъсирини ва қувурнинг бўртиб чиқиши юзага келиш омилларини аниқлаш ва уларни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳамда аҳолининг сейсмик ҳавфсизлиги, қурилиш зилзилабардошлиги ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 71-сон «Фавқулодда ҳолатларни прогноз қилиш ва олдини олиш бўйича Давлат дастури» даги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика, иншоотлар сейсמודинамикаси ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ер ости иншоотларининг грунт билан ўзаро таъсири билан боғлиқ назарий ва тажрибавий илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари, университетлари ва хорижий давлатлар илмий-тадқиқот институтларининг йирик олимлари, жумладан L.R. Wang, T. Tobita, H. Uno, T.D. O'rouke, T. Iwamoto, I. Friedmann, V. Debouvry, K. Wakamatsu ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўрганилган ҳамда маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган.

Мураккаб шаклдаги ер ости иншоотларининг сейсמודинамика назариясини асосий энг муҳим натижалари ЎзР ФА академиги М.Т. Ўрозбоев ва РФ ФА мухбир аъзоси А.А. Ильюшин раҳбарлигида ЎзР ФА академиги Т.Р. Рашидов томонидан олинган. У қувурнинг атрофидаги грунтга нисбатан кўчишини ҳисобга олган. Бу фактларни профессор Г.Х. Хожметов ва ЎзР ФА академиги Я.Н. Муборақов биргаликда тажрибалар асосида ўрганиб чиқишган. Грунт билан ўзаро таъсирда бўлган иншоотлар динамикаси муаммоларида турли математик моделлардан фойдаланилган, шунингдек қувурларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган алоҳида масалалар турли йилларда А. Абдусаттаров, М.Ш. Исраилов, А. Каюмов, Е.Н. Колмакова, Ш. Маматкулов, Б. Мардонов, А.Х. Маткаримов, И. Мирзаев, М. Мирсаидов, С. Мухамедова, В.А. Омеляненко, С.Ф. Проскурина, Х.С. Сағдиев, К.Д. Салямова, И.Сафаров, Ш.М. Сибукоев, Т.Т. Собиров, К.С. Султанов, З.Р. Тешабаев, М.К. Усаров, А.А. Халджигитов, Б.Э. Хусанов, Т. Юлдашев, А. Юсупов ва бошқа олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бугунги кунда ўзаро таъсирнинг кинематик моделларидан фойдаланиб, намланган грунтларда жойлашган ер ости қувурларининг динамик устуворлигини аниқлаш ва ҳисоблаш масалалари тўла ечилмаган. Ер ости қувурининг бўртиб чиқиши юзага келиш ҳолларини ҳисоблаш, қувурнинг геометрик ва механик характеристикаларини, грунтнинг реологик кўрсаткичларини ва шунингдек геометрик чизиксизликни қувурларнинг

устуворлигига таъсирини аниқлаш, “кувур-грунт” тизимида ўзаро таъсирининг кинематик моделларини қўллаган ҳолда, кувур охирида кудук бўлган ер ости кувурининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлашни сонли ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф8-Ф086 «Ёпишқоқликни, намликни ва грунт структурасининг бир жинсли эмаслигини ҳисобга олган ҳолда «деформацияланувчи қаттиқ жисм-грунт» ўзаро таъсири тизимидаги тадқиқот (сейсмик кучлар таъсирида)» (2007–2011); Ф4-ФА-Ф047 «Структураси ўзгарган грунтларда жойлашган мураккаб шаклдаги ер ости кувур тизимларининг сейсмодинамикаси» (2012–2016); ФА-А14-Ф019 «Жаҳон миқёсидаги кучли zilзилалар оқибатларини муҳандислик таҳлили ва янги тадқиқотлар асосида zilзилабардош ер ости муҳандислик иншоотларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини актуаллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» (2015–2017) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сувга тўйинган грунтларда жойлашган, тез ёки даврий бўйлама юкланиш кўринишидаги кучлар таъсиридаги ер ости кувурларининг динамик мустаҳкамлигини ҳамда кувурнинг бузилишига олиб келадиган нотурғунлик ҳолатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биринчи яқинлашишда ечимнинг “доимий” ва “чегаравий” компонентларини қуриш ва вақтга боғлиқ ҳолда кувурнинг кўндаланг кўчишини аниқлашнинг ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

кувурнинг бўртиб чиқиши юзага келиш ҳолларини ва амплитуда-частотали боғлиқликни ҳисоблаш дастурини ишлаб чиқиш;

кўндаланг ва бўйлама кўчишларни биргаликда ҳисобга олувчи умумий ҳоллар учун сувга тўйинган грунтларда жойлашган ер ости кувурлари устуворлигини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

кувурнинг геометрик ва механик характеристикаларини, грунтнинг реологик кўрсаткичларини ва шунингдек геометрик чизиқсизликни кувурларнинг устуворлигига таъсирини аниқлаш;

грунтнинг юқори ёпишқоқлигини ҳисобга олган ҳолда, кувурнинг нотурғун ҳолатга олиб келадиган критик вақт ва критик кучнинг катталигини аниқлаш;

“кувур-грунт” тизимида ўзаро таъсирининг кинематик моделларини қўллаган ҳолда, кувур охирида маълум бир оғирлик (кудук) бўлган ер ости кувурининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сувга тўйинган грунтларда жойлашган ҳаётни таъминловчи ер ости тизимлари (кувурлар, кудуклар) олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли хил динамик, шунингдек сейсмик юкланишлар таъсиридаги, сувга тўйинган грунт билан ўзаро таъсирининг

кинематик моделларини қўллаган ҳолда ер ости иншоотларининг динамик турғунлигини текширишни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб бориш жараёнида деформацияланувчан қаттиқ жисмлар механикаси, математик моделлаштириш ва сонли усуллар, алгоритмлаштириш, математик физика, ҳисоблаш математикаси, дастурлаштириш технологияси ва ҳисоблаш экспериментлари усуллари қўлланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: “қувур-грунт” тизимидаги ўзаро таъсирининг кинематик моделларидан фойдаланиб сувга тўйинган грунтда жойлашган ер ости қувурларининг динамик устуворлигини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

кўчишнинг вақтга боғлиқлиги ҳамда амплитуда частоталар боғлиқлигини аниқлаш учун бевосита қўллаш мумкин бўлган ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

кўндаланг ва бўйлама кўчишларни биргаликда ҳисобга олувчи умумий ҳоллар учун сувга тўйинган грунтларда жойлашган, геометрик чизиқсиз ер ости қувурининг устуворлигини текшириш масалаларини ечиш усули ишлаб чиқилган;

“қувур-грунт” тизимида ўзаро таъсирининг кинематик моделларини қўллаш асосида, қувур охирида маълум бир оғирлик (кудук) бўлган ер ости қувурининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

намланган грунтларда жойлашган ер ости қувурларининг устуворлигини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

намланган грунтларда жойлашган қувурларнинг динамик турғунлигини, чизиқли ва чизиқсиз масалаларни ечиш, сонли натижалар олиш жараёнини автоматлаштириш имконини берувчи ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган (№ DGU 04374);

сейсмик ҳудудларда қуйқаланадиган грунтларда ётқизиладиган ер ости қувурларини бўртиб чиқишини камайтиришга хизмат қиладиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги сонли натижалар билан аналитик ечимларни бир-бирига мос келишида кўрсатилган ва илмий адабиётларда келтирилган шунга ўхшаш ечилган масалалар натижаларини кўрсатилган аниқ масалалар натижаларига солиштириб асосланган. Шунингдек, тадқиқотдан олинган натижалар чет эл тадқиқотчилари ўтказган тажриба натижаларига ҳамда зилзила оқибатида бўртиб чиққан қувурлар тавсифига мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ер ости иншоотлари сейсמודинамикаси назариясини келгусидаги ривожланишида сувга тўйинган грунтлардаги ер ости қувурларини бўртиб чиқиши ҳақидаги янги материаллар асосида тўлдириш билан изоҳланади. Диссертация ишининг натижалари намланган грунт шароитларини қувурларнинг устуворлигига таъсири – устуворлик назариясига ўзининг янги ҳиссасини қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ер ости иншоотларини лойиҳалаш амалиётида ишлаб чиқилган ҳисоблаш дастурини қўлланилиши

ҳаражатларни тежалишига ва лойиҳа конструкторлик ишланмалар жараёнларини тезлаштиришга олиб келади ҳамда ер ости иншоотларини турғунлигини текшириш имкониятини беради. Олиб борилган тадқиқотлар ва халқаро тажрибалар асосида қуйқаланган грунтлардаги ер ости иншоотларини бўртиб чиқишини камайтириш бўйича таклиф қилинган тавсиялар сейсмик хавф-хатарни сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Намланган грунтларда жойлашган қувурларнинг динамик устуворлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўйлама юкланишларда намланган грунтларда жойлашган ер ости қувурларининг устуворлигини ҳисоблаш усули ва дастури «O‘zog‘irsanoatloyiha instituti» АЖда ер ости қувурларини лойиҳалаш ва қурилиш жараёнида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2018 йил 31 январдаги 794/11-03-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида намланган грунтларда жойлашган қувурларнинг динамик устуворлигини ва мустаҳкамлигини 1,25 марта захира билан таъминлаш ҳамда ҳисоблаш вақтини 2,3 баробар қисқартириш имконини берган;

қувур охирида маълум бир оғирлик (қудуқ) бўлган ер ости қувурининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш усули «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ Бош лойиҳа-қидирув институтида “Якка тартибдаги яшаш комплекслари” объектларида ер ости қувурларидаги максимал кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2018 йил 31 январдаги 794/11-03-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши иш сифати ва меҳнат унумдорлигини 20% га ошириш имконини берган;

кўчишларни вақтга боғлиқ ҳолда аниқлашнинг ҳисоблаш усули «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ Бош лойиҳа-қидирув институтида “Якка тартибдаги яшаш комплекслари” объектларида ер ости қувурларининг динамик устуворлигини таъминлаш учун жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2018 йил 31 январдаги 794/11-03-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши ҳисоб-лойиҳалаш ишлари самарадорлигини 1,5 баробар ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида ва симпозиумларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби, кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сувга тўйинган, майда заррачали грунтларнинг механик хоссалари ва уларда жойлашган қаттиқ жисмлар билан ўзаро таъсир характери» деб номланган биринчи боби қувурнинг атрофидаги грунт билан ўзаро таъсир масалаларига бағишланган. Ҳаётни таъминловчи тизимлар бўйича хорижий маълумотлар ифода этилган ва охириги зилзилалар оқибатлари бўйича маълумотлар тахлили келтирилган. Япония тадқиқотчилари Т. Iwamoto и Т. Yamaji маълумотларига кўра, 1972 йилдаги Мияги шаҳридаги зилзилада ер ости қувурларининг шикастланиши ва бузилишидан ташқари ер остидан қувурларни қия аркалар ҳосил қилиб кўтарилган қисмлари аниқланган. Худди шунга ўхшаш шикастланишлар 1983 йилда Кум-Дагда, 1952 йилда Колифорнияда, 1993 йилда Kushiro-oki, 2004 йилда Niigataken-chuets ва бошқа жойларда қайд қилинган, бундан ташқари охириги зилзилаларда канализация қудуқларини кўтарилиши ҳам кузатилган.



1-расм. Қувур қисмининг ер остидан бўртиб чиқиши



2-расм. 2003 йил Onbetsu шаҳрида Tokachi-oki зилзиласи таъсирида қудуқнинг бўртиб чиқиши

Зилзила оқибатида бўртиб чиққан ер ости иншоотларининг тахлили уларни бўртиб чиқишига сабаб грунтнинг қуйқаланиши эканлигини кўрсатди. Сувга тўйинган грунт тушунчасига хусусияти жиҳатидан турли хил грунтлар киради. Шунинг учун лойли грунтларни намлигига қараб Т.Р.Рашидов ва Ш.М.Сибукаевлар томонидан 3 та категорияга бўлиш тавсия этилган:

I. $0 < \bar{W} < 15\%$) –ер ости иншоотлари билан ўзаро таъсир характери, ер ости иншоотлари сейсмик мустаҳкамлигининг динамик назарияси доирасида батафсил ва асослаб ишлаб чиқилган, юк кўтариш қобилиятига эга бўлган грунтлар.

II. ($15 < \bar{W} < 45\%$) – бу категориядаги грунтларни мураккаб реологик мухитлар каби ўрганиш керак, уларнинг юк кўтариш қобилияти унчалик катта эмас.

III. ($\bar{W} > 45\%$). – бу категориядаги грунтларни ёпишқоқ суюқлик сифатида қараш керак.

Диссертациянинг асосий бўлимида қаралаётган қувур асосан II ва III категориялар чегарасидаги сувга тўйинган грунтларда жойлашган.

Оддий грунтларда ер ости иншоотларини грунтлар билан ўзаро таъсирини характерловчи асосий хусусият ишқаланиш бўлса, сувга тўйинган грунтларда эса биринчи навбатда ишқаланиш билан бир қаторда ёпишқоқлиги ҳам киритилади. Шунга асосан ер ости иншоотлари сейсмодинамикасида асосий муаммолардан ҳисобланган «иншоот – грунт» ўзаро таъсир модели тизимига аниқлик ва қўшимчалар киритиш имконияти пайдо бўлади.

Т.Рашидов ва Ш.М.Сибукаевлар томонидан сувга тўйинган грунтларда қувурларни кўндаланг ва бўйлама ҳаракатлари учун тўртта таянч элементлардан ташкил топган ўзаро таъсирнинг қуйидаги математик моделлари тавсия қилинган: заррачаларини кўчиши ва тезлиги, шунингдек уларни деформацияси ва деформацияланиш тезлиги, эластиклик ва қовушқоқлик модули ҳисобланади, булар схематик кўринишда эластик (H) элемент ва қовушқоқ (N) элементларини параллел равишда “уланиши”ни билдиради, бу ерда H ва N Гук ва Ньютон элементларига тегишли:

$$-\bar{q}_x = \bar{k}_x u + \bar{\lambda}_x \frac{\partial u}{\partial t} + \bar{\beta}_x \frac{\partial u}{\partial x} + \bar{\mu}_x \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial t}; \quad -\bar{q}_z = \bar{k}_z w + \bar{\lambda}_z \frac{\partial w}{\partial t} - \bar{\beta}_z \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} - \bar{\mu}_z \frac{\partial^3 w}{\partial x^2 \partial t};$$

хусусий ҳолда ўзаро таъсирнинг икки звеноли модели қуйидагича

$$-\bar{q}_x = \bar{k}_x u + \bar{\lambda}_x \frac{\partial u}{\partial t}; \quad -\bar{q}_z = \bar{k}_z w + \bar{\lambda}_z \frac{\partial w}{\partial t},$$

бу ерда u , w – қувурнинг бўйлама ва кўндаланг кўчиши, $\bar{k}_x, \bar{k}_z, \bar{\beta}_x, \bar{\beta}_z$ – ўзаро таъсирнинг эластиклик хоссасини характерловчи коэффициентлар; $\bar{\lambda}_x, \bar{\lambda}_z, \bar{\mu}_x, \bar{\mu}_z$ – ўзаро таъсирнинг қовушқоқлик хоссасини характерловчи коэффициентлар.

“Қувур-грунт” тизимида ўзаро таъсирнинг бу моделлари ер ости қувурларининг устуворлиги тадқиқотларида фойдаланилади.

Диссертациянинг «Тез бўйлама кучланишда ер ости қувурларининг динамик устуворлиги» деб номланган иккинчи бобида қувурни ўраб турган майда заррачали грунт юқори даражада нам бўлган ҳолда сейсмик таъсирлар натижасида қувурларнинг динамик устуворлиги масалалари кўриб чиқилган. Масала геометрик чизиқли ва чизиқсиз ҳоллар учун ечилган. Қувур икки томондан шарнир билан маҳкамланган ва ўқи бўйлаб \vec{P} куч билан сиқилмоқда деб ҳисоблаймиз. Қувурнинг геометрик чизиқсизлигини ҳисобга олувчи ҳадлари бўлган қувурни бўйлама ҳаракатини тавсифловчи тенгламадан келиб чиқиб, қувур ва грунтни ўзаро таъсири модули ва \vec{P} бўйлама кучнинг ҳаракати қуйидагича:

$$EJ \frac{\partial^4 (W_1 - W_0)}{\partial x^4} + (m_T + m_r) \frac{\partial^2 W_1}{\partial t^2} + \bar{\lambda}_z \frac{\partial W_1}{\partial t} + \bar{k}_z (W_1 - W_0) + P(t) \frac{\partial^2 W_1}{\partial x^2} =$$

$$= \frac{EF_T}{l} \left[u(l, t) - u(0, t) + \frac{1}{2} \int_0^l \left(\frac{\partial W_1}{\partial x} \right)^2 dx \right] \frac{\partial^2 W_1}{\partial x^2}. \quad (1)$$

бу ерда $W_0(x)$ ва $W_1(x, t)$ – қувурнинг бошланғич ва тўла эгилиши; $u(0, t)$ ва $u(l, t)$ – қувур чегараларининг бўйлама кўчиши; E – қувур материалининг эластиклик модули; J – қувур кесимининг ўқдаги инерция моменти; F_T – қувурнинг кўндаланг кесим юзаси; l – қувур узунлиги; m_T – қувурнинг массаси; m_r – грунтнинг массаси; $P(t)$ – ташқи куч.



Чегаравий шартлар: $x=0$; l . бўлганида $W_1 = 0$, $\partial^2 W_1 / \partial x^2 = 0$. Аниқлик учун фараз қиламиз $u(l, t) = u(0, t) = 0$, яъни қувур четлари силжймайди.

Ташқи куч $P(t)$ учбурчак юк кўринишида берилмоқда:

$$P(t) = \begin{cases} \bar{c} t F_T, & t < T_0 \\ \bar{c} T_0 F_T \frac{T_1 - t}{T_1 - T_0}, & t > T_0 \end{cases} \quad (2)$$

Ўлчовсиз параметрларга ўтиш ва сувга тўйинган грунтларни ёпишқоқлигини ҳисобга олиш, вақт бўйича юқори хосилали кичик параметрли тенгламага келиш имкониятини беради. Бу тенглама ечимини тўғридан тўғри қўллаш мумкин бўлган ҳисоблаш формуласи кўринишида олиш имкониятини берадиган А.Н.Тихонов томонидан тавсия этилган усул билан ечилади. Қувурларнинг максимал кўндаланг кўчишларини вақтга боғлиқлиги графиги қурилган.


◆ биринчи қисм учун: $0 \leq t_1 \leq 1$, $P(t_1) = \bar{c} T_0 F_T t_1$.



3-расм. Қувурларнинг максимал кўндаланг кўчишининг ўзгариши (а) икки ўлчовли ва (б) уч ўлчовли фазода: 1 – $\bar{c} = 10^2$ МПа/с; 2 – $\bar{c} = 5 \cdot 10^2$ МПа/с; 3 – $\bar{c} = 10^3$ МПа/с

Графикдан кўришиб турибдики, бу босқичда $[0 \leq t_1 \leq 1]$ ҳаракат тебраниш характерига эга, y максимал кўчиш y_0 (чексиз кичик ҳад) тартибга эга, шунинг учун тебраниш сезиларли эмас. Бу босқич охирида t вақтнинг маълум қийматидан бошлаб y ни қийматини ўсиш тенденцияси кўринади. Бу босқич натижалари иккинчи босқич учун бошланғич шарт бўлиб хизмат қилади. Бу натижа А.С. Вольмирнинг «Деформацияланувчи тизимлар устуворлиги» китобида келтирилган грунтда бўлмаган стержен учун худди шунга ўхшаш натижага мос келади.

◆ Иккинчи қисм учун: $1 \leq t_1 \leq 2$, $P(t_1) = \bar{c}T_0 F_T(2 - t_1)$.



4-расм. Қувурларнинг максимал кўндаланг кўчишининг ўзгариши (а) икки ўлчовли ва (б) уч ўлчовли фазода: 1 – $l=6$ м; 2 – $l=10$ м; $P_{кр}=7782$ кН; $t_{кр}=0.54$ с; $R=0.2$ м; $k_1=20$ МПа/м; $\delta=0.02$ м; $\mu=10^3$ Па·с; $T_0=0.65$ с; $\sigma=13.4$ МПа

Бу босқичда $[1 \leq t_1 \leq 2]$ ҳисоблаш нолдан бошланади, олинган натижалар қувурнинг динамик нотурғун бўлгандаги ҳар бир аниқ ҳол учун критик вақт қийматини ва критик куч катталигини аниқлаш имкониятини беради. Натижалар таҳлили қуйидаги хулосаларни қилиш имкониятини беради:

- 1) Кутилганидек, қувурларни турғунлигига унинг қаттиқлиги таъсир қилади;
- 2) шунингдек қувурнинг турғунлик ҳолатига унинг узунлиги таъсир кўрсатади. l -узунлик қанча катта бўлса қувур турғунлиги шунча кам бўлади;
- 3) кучнинг параметри катта бўлгани сари қувурнинг бир хил параметрларида бўртиб чиқиш эҳтимоллиги ортиб боради;
- 4) кучланишнинг T_0 вақти қувурнинг турғунлигига таъсир қилади: T_0 қанча катта бўлса кўчиш шунча катта бўлади;
- 5) грунтнинг динамик қовушқоқлиги қанча катта бўлса қувурни бўртиб чиқиш эҳтимоллиги ортади;
- 6) эластиклик коэффиценти қанча катта бўлса қувур шунча турғун бўлади;
- 7) \bar{c} қанча катта бўлса, $P_{кр}$ ҳам шунча катта бўлади.

Масала геометрик чизиқли ва чизиқсиз қўйилган ҳоллар учун ечилган. Икки ҳол учун олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, геометрик чизиқсизликни ҳисобга олиб олинган натижалар чизиқли ҳол учун олинган натижалардан фарқ қилмайди (геометрик чизиқсизлик натижанинг вергулдан кейинги 4-чи, 5-чи сонларига таъсир қилади).

Диссертациянинг «**Бўйлама узилишли кучланишлар таъсиридаги ер ости қувурларини динамик устуворлиги**» деб номланган учинчи бобида бир томони маҳкамланган, иккинчи томони эса йирик жисм билан бирлаштирилган (мураккаб тугун ва бошқ.) юқори намланган грунтда жойлашган қувур қаралган. Сейсмик таъсир натижасида йирик жисм қувурга ўқ бўйлаб кўчишни узатади, бунда частотани тебраниши қувурни ўзининг кўндаланг тебраниш частотасидан тахминан икки баробар каттароқ бўлади. Масала Кирхгоффнинг техник назариясида қўлланиладиган стерженларни “катта эгилишлар” тенгламалар системаси базасида ечилади:

$$\left. \begin{aligned} m_T \frac{\partial^2 U}{\partial t^2} - EF_T \frac{\partial}{\partial x} \left[\frac{\partial U}{\partial x} + \frac{1}{2} \left(\frac{\partial W_1}{\partial x} \right)^2 \right] &= \bar{q}_x \\ m_T \frac{\partial^2 W_1}{\partial t^2} + EJ \frac{\partial^4 W_1}{\partial x^4} - EF_T \frac{\partial}{\partial x} \left\{ \frac{\partial W_1}{\partial x} \left[\frac{\partial U}{\partial x} + \frac{1}{2} \left(\frac{\partial W_1}{\partial x} \right)^2 \right] \right\} &= \bar{q}_z \end{aligned} \right\} \quad (3)$$


Чегаравий шартлар: $x=0$ бўлганда $U=0$, $x=l$ бўлганда $U=U_0+U_1 \cos \gamma t$;
 $x=0$; l бўлганда $W_1=0$, $\partial^2 W_1 / \partial x^2 = 0$

бу ерда t , x – қувурни вақт ўлчови ва ўқ бўйлаб координата нуқтаси; F_T – қувурнинг кўндаланг кесим юзаси; EJ – қувурнинг эгилишдаги бикирлиги; m_T – қувурнинг массаси; \bar{q}_x , \bar{q}_z – қувурга таъсир қилувчи ташқи қувватнинг ўлчовли бўйлама ва кўндаланг компоненталари.

Қувурни бошланғич эгилиши мавжуд бўлганлигини эътиборга олган ҳолда, ўлчовсиз катталикларга ўтиш ва масалани ўлчовсиз параметрларни қиёсий тахлили 2 та охириги вариантларни ажратиб олиш имконини берди:

I. Унча катта бўлмаган ёпишқоқликка эга бўлган, сувга тўйинган лойли грунтда жойлашган оғир қувур. Бу ҳолда масала параметрик резонансни тадқиқ қилишга келтирилган. Натижада қувур ва уни атрофидаги грунт билан ўзаро таъсирини характерловчи турли ҳил кўрсаткичларни сонли қийматлари учун амплитуда-частотали диаграммалар тузилган.

Шунга ўхшаш масалаларда қувур ўқининг бошланғич эгилиши, қувурни геометрик кўрсаткичлари ва ташқи муҳитни амплитуда-частота характеристикаларига таъсири қаралмаган.



5-расм. Параметрик тебранишларнинг амплитуда-частотали диаграммаси:

a – бошланғич эгилиш ҳисобга олинмаган; **б** – бошланғич эгилиш ҳисобга олинган

Параметрик кўзғалиш частотасининг секин ўзгариши 5,a-расмда (бошланғич эгилиш ҳисобга олинмаган) кўрсатилган, чап томондаги қалин чизиқлар турғун ҳолатни билдиради. β ошганида ҳаракатсиз ҳолат турғун бўлади, $\beta=\beta_1$ бўлганида амплитудаси аввал ошадиган параметрик тебраниш пайдо бўлади. N критик нуқтага яқинлашганда амплитуда яна камаяди. β нинг қиймати c/a қийматга етганда тебраниш тўхтайтиди. Агар β камайса, у ҳолда ўнг томондан борилганда ҳолат турғунлигича қолади. β_2 нуқтага етиб келишимиз билан $\beta=\beta_1$ яқинлашганда камаядиган, тенглашганда эса нолга тенг бўладиган M охириги амплитудали тебраниш ҳосил бўлади.

5,6-расм учун ҳам (ўнг томонини ҳисобга олган ҳолда, яъни бошланғич эгилишни) худди шундай таҳлил ўтказамиз.

II. Сезиларли даражадаги ёпишқоқ бўлган сувга тўйинган грунтда жойлашган энгил қувур. Бу ҳолда вақт бўйича катта ҳосилада кичик параметрли тенглама ҳосил бўлди. Бу тенгламани А.Н.Тихонов томонидан тавсия этилган усул билан ечамиз, яъни 2-чи бобда бажарилган ишларни ва графиклар таҳлилини қайтадан бажарамиз. Буни фарқи шундаки, бу ерда бир босқичли вақтга боғлиқ жараён қаралмоқда. Масала «қувур – грунт» ўзаро таъсир тизимида 4 ва 2 звеноли моделни қўллаш орқали ечилган. Натижалар таҳлили $\bar{\beta}_z$, $\bar{\mu}_z$ параметрлар қувурнинг кўндаланг кўчиши максимал қийматига таъсир қилмаслигини кўрсатди.

Иккинчи ва учинчи бобларда кўрилган масалалар таҳлиллар кўрсатадики, энгил қувурларда бўртиб чиқиш ҳоллари кам учрайди ва улар учун критик вақтнинг қиймати катта, яъни, кутилганидек энгил қувурлар ишончлироқ эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Ер ости қувурлари ва қудуқлари кўтарилишини сонли усуллар билан тадқиқ қилиш**» номли тўртинчи бобининг §1 қисмида ўқ бўйлаб юкланишларда, бўйлама ва кўндаланг кўчишларни биргаликда ҳисобга олган ҳолда сувга тўйинган грунтда жойлашган қувурнинг кўтарилиши тадқиқ қилинган. l узунликдаги қувурни чекли элементларга бўлиб чиқамиз. Уларни катталигини бир хил деб ҳисоблаймиз ва a га тенг деб оламиз. $x=0$ кесимда ўқ бўйлаб ташқи ўқ бўйича таъсир қилувчи сиқиш кучи \vec{P} ҳаракат қилади. Ихтиёрий ер ости қувури синусоида кўринишида танлаб олинган бошланғич эгилишга эга.

Геометрик чизиксизликни ҳисобга олган ҳолда i -чи элемент учун деформациянинг тўлиқ ишини ташкил қиламиз

$$A_v^i = \frac{1}{2} EF \int_0^a \left[\frac{\partial U^i}{\partial x} + \frac{1}{2} \left(\frac{\partial W_1^i}{\partial x} \right)^2 \right]^2 dx + \frac{1}{2} EJ \int_0^a \left(\frac{\partial^2 (W_1^i - W_0^i)}{\partial x^2} \right)^2 dx + \frac{P^2 a}{2EF} \quad (4)$$

ва қувурнинг кинетик энергияси ифодасини тузамиз

$$E_k^i = \frac{1}{2} \mu \int_0^a \left[\left(\frac{\partial U^i}{\partial t} \right)^2 + \left(\frac{\partial W_1^i}{\partial t} \right)^2 \right] dx, \quad \mu = m_T + m_\Gamma, \quad (5)$$

бу ерда $W_0^i = W_0^i(x)$, $W_1^i = W_1^i(x, t)$ – i -чи элементнинг бошланғич ва тўла эгилиши; U^i – i -чи элементнинг бўйлама кўчиши.

Сиқиш кучи потенциали қуйидаги формула билан ҳисобланади

$$V_p^i = \frac{-P^2 a}{EF} - \frac{P}{2} \int_0^a \left[\left(\frac{\partial W_1^i}{\partial x} \right)^2 - \left(\frac{\partial W_0^i}{\partial x} \right)^2 \right] dx. \quad (6)$$

Қувур элементини грунт билан ўзаро муносабати кучидан бўладиган ишларни қуйидаги кўринишда тасаввур қиламиз:

$$A_{D1}^i = \frac{1}{2} \int_0^a \left[\bar{k}_x (U^i)^2 + \bar{k}_z (W_1^i - W_0^i)^2 \right] dx; \quad A_{D2}^i = \frac{1}{2} \int_0^a \left[\bar{\lambda}_x \frac{\partial}{\partial t} (U^i)^2 + \bar{\lambda}_z \frac{\partial}{\partial t} (W_1^i)^2 \right] dx. \quad (7)$$

Қуйидаги чегаравий шартларни кўриб чиқамиз:

$$x=0 \text{ да } W_1 = 0, \quad \frac{\partial^2 W_1}{\partial x^2} = 0; \quad x=0 \text{ да } U=r_1; \quad x=l \text{ да } U=0.$$

Қувур элементлари чегарасида Кирхгоф гипотезасини қўллаймиз, у ҳолда (4) тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$A_u^i = \frac{1}{2a} EF \left[U^i[a,t] - U^i[0,t] + \frac{1}{2} \int_0^a \left(\frac{\partial W_1^i}{\partial x} \right)^2 dx \right]^2 + \frac{1}{2} EJ \int_0^a \left(\frac{\partial^2 (W_1^i - W_0^i)}{\partial x^2} \right)^2 dx + \frac{P^2 a}{2EF}.$$

Умумий потенциал энергия $\Pi = A_u + V_p$ га тенг бўлади. $L = E_k - \Pi$, Лангарж функциясини аниқлаб, $q_i = q_i(t)$ ни умумлашган координатлар деб оламиз. Лагранжинг Π – ҳолдаги тенгламасини тузамиз.

$$\left\{ \frac{d}{dt} \left(\frac{\partial L}{\partial \dot{q}_i} \right) - \frac{\partial L}{\partial q_i} = - \frac{\partial A_{D1}}{\partial q_i} - \frac{\partial A_{D2}}{\partial \dot{q}_i}; \quad \frac{d}{dt} \left(\frac{\partial L}{\partial \dot{r}_1} \right) - \frac{\partial L}{\partial r_1} = - \frac{\partial A_{D1}}{\partial r_1} - \frac{\partial A_{D2}}{\partial \dot{r}_1} \right.$$

Кўндаланг йўналишдаги қувур шаклини учинчи даражали Эрмит полиноми орқали ифода этамиз. Қувур узунлигини n та чекли бўлакка бўламиз, у ҳолда тугуннинг номаълум кўчишлари сони $(n+1)$ бўлади. Эгилишлар $W_1=q_i, W_1=q_j$, элемент тугунларида бурилиш бурчаги қуйидагича $W_1' = q_{i+1}, W_1' = q_{j+1}$. Шундай қилиб, k -чи элемент учун қувурни тўлиқ эгилишини қуйидаги кўринишда берамиз:

$$W_1^k = \mathcal{E}_1 q_i + \mathcal{E}_2 q_{i+1} + \mathcal{E}_3 q_j + \mathcal{E}_4 q_{j+1},$$

бу ерда q_i, q_j —эгилишлар, q_{i+1}, q_{j+1} —тугунлардаги бурилиш бурчаги;


$$\mathcal{E}_1 = 1 - 1.5\xi^2 + 0.5\xi^3, \quad \mathcal{E}_2 = a(\xi - 1.5\xi^2 + 0.5\xi^3), \quad \mathcal{E}_3 = 1.5\xi - 0.5\xi^3, \\ \mathcal{E}_4 = a(-0.5\xi + 0.5\xi^3), \quad \xi = x/a.$$

Ихтиёрий k элемент учун бўйлама кўчишни қуйидаги кўринишда оламиз:

$$U^k = r_i(a-x)/a + r_{i+1}(x/a) = r_i(1-\xi) + r_{i+1}\xi,$$


бу ерда r_i, r_{i+1} – тугунларни бўйлама кўчиши.

Ер ости қувури ўқ бўйлаб $P(t) = \bar{c}F_T t$, $P = mP_0$ ($P_0 = 4\pi^2 EJ / l^2$ - эйлер критик кучи) куч таъсиридаги ер ости қувурларининг q_3/a максимал кўндаланг кўчиши, $t_1=t/T_0$ вақтга боғлиқлиги графиги учта тугунли ($n+1=3$) иккита элементга ($n=2$) бўлинган қувурлар учун ҳосил қилинган. Ер ости қувурини динамик устуворлигини аналитик тадқиқи диссертациянинг 2-чи бобида бажарилганлигини қайд қилиб ўтамиз.



6-расм. Қувурнинг максимал кўндаланг кўчишининг вақтга боғлиқ ўзгариши:
— аналитик; --- сонли; 1— $c=10^2$ МПа/с;
2— $c=5 \cdot 10^2$ МПа/с; 3— $c=10^3$ МПа/с

Натижаларни солиштирганда уларни бир-бирига жуда яқинлиги ва хатолик унча кўп эмаслиги кўриниб турибди. Бўйлама ва кўндаланг кўчишлар биргаликда ҳисобга олинганда, умумий ҳол учун масалаларни ечиш ва усулни апробация қилиш учун масаланинг ечими сонли усул билан олинган.



7-расм. Ер ости қувури кўндаланг ҳаракатининг вақтга боғлиқлиги: 1 – бўйлама кўчиш ҳисобга олинмаганда; 2 – $r_1=0.001$; $l=7$ м (а) ва $l=8$ м бўланида (б)

7,а-расмда бўйлама r_1 кўчишни ҳисобга олганда кўндаланг кўчишнинг қиймати 1.56 марта ошади, 7,б-расмда эса бўйлама r_1 кўчишни ҳисобга олиш кўндаланг кўчиш қийматини 1.35 марта оширади. Бўйлама r_1 кўчиш қувурнинг геометрик параметрларига ва грунт билан ўзаротаъсир коэффициентларига боғлиқлиги олинди. Ўқ бўйлаб Эйлер кучланиши қийматидан кичик қийматга эга бўлган куч таъсирида бўйлама r_1 кўчишни қувурни кўтарилишига таъсири биринчи формада унча сезиларли эмас, яъни кўндаланг кўчишнинг сонли қийматлари бир хил даражада. Шунинг учун 2-чи бобда бўйлама кўчишда қувур четлари силжимас деб олинган фараз ўринлидир, бу нарса ўз ўрнида олинган натижаларга қиёсий баҳо беради.

Тўртинчи бобнинг §2 қисмида ер ости қувурининг $x=l$ нуқтасига қудук сифатида олинган масса бирлаштирилгандаги кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати (КДХ) тадқиқ қилинган. Грунтнинг сейсмик кўчиши $x=l$ нуқтада перпендикуляр йўналишда таъсир қилиб қуйидаги кўринишда берилади $\bar{W}_{gr} = \lambda_{gr} \sin \omega t$, бу ерда $\omega = 2\pi/T_0$.

$$EJ \frac{\partial^4 W}{\partial x^4} + m_T \frac{\partial^2 W}{\partial t^2} + \bar{\lambda}_z \frac{\partial(W - \bar{W}_{gr})}{\partial t} + \bar{k}_z (W - \bar{W}_{gr}) = 0. \quad (8)$$

бу ерда $W(x,t)$ ва \bar{W}_{gr} – қувур ва грунтнинг кўндаланг кўчиши; $\bar{\lambda}_z$, \bar{k}_z – қувурни сувга тўйинган грунт билан ўзаро таъсир коэффициенти.

Чегаравий шартлар:

$$\left\{ \begin{array}{l} W = 0, \quad \frac{\partial W}{\partial x} = 0 \quad x = 0 \text{ да,} \\ EJ \frac{\partial^3 W}{\partial x^3} = m_{kol} \frac{\partial^2 \bar{W}_{kol}}{\partial t^2} + \beta_{kol} \frac{\partial(\bar{W}_{kol} - \bar{W}_{gr})}{\partial t} + k_{kol} (\bar{W}_{kol} - \bar{W}_{gr}) \quad x = l \text{ да,} \\ EJ \frac{\partial^2 W}{\partial x^2} - k_2 \frac{\partial W}{\partial x} = 0 \quad x = l \text{ да} \end{array} \right.$$

Бошланғич шартлар: $W = 0$; $\partial W / \partial t = 0$


Чегаравий масала чекли айирмалар усули билан ечилади.

Нормал кучланиш, момент ва кесувчи кучи қуйидаги формула билан аниқланади:


$$\sigma = -EZ \frac{\partial^2 W}{\partial x^2}; \tau_{xz} = G \left(\frac{\partial u}{\partial z} + \frac{\partial W}{\partial x} \right) = 0; M = -EJ_y \frac{\partial^2 W}{\partial x^2}; Q = \frac{\partial^3 W}{\partial x^3}.$$

a

б



1 – $x=0.1$ м; 2 – $x=6$ м



1 – $z=R_B$; 2 – $z=(R_B+\delta/2)$; 3 – $z=R_H$

8-расм. Қувурни кўндаланг кўчиши (а) ва нормал кучланишларининг (б) вақт бўйича ўзгариши

Ер ости қувурлари кўндаланг кўчишига ўзаро таъсир коэффициенти ва иншоотнинг геометрик ўлчамлари таъсир қилади. Чегаравий шартлар нормал кучланишларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Нормал кучланишнинг қиймати қувурнинг кўндаланг кесими бўйлаб ўзгаради. Максимал нормал кучланиш ($z=\pm R_H$) ташқи радиус нукталарида пайдо бўлади.

Тўртинчи бобнинг §3 қисмида сувга тўйинган грунтларда жойлашган ер ости иншоотларининг кўтарилишини камайтириш бўйича тавсиялар берилган. Чуқур кўмилган қувурларни бўртиб чиқишини юқори температура ва қувурдан оқаётган оқимнинг босими ёки ташқи сабаблар (тупроқ эрозияси, тупроқни ювилиб кетиши, грунтни қуйқаланиши ва ҳ.к.) келтириб чиқариши мумкин. Бундай грунтларда, агар ўқ бўйлаб тарқалган сейсмик таъсирлар билан генерацияланган куч катта бўла бошласа қувур турғунлигини йўқотади ва жараён кучайган сари қувурни ер устига бўртиб чиқиши кузатилади. Буни натижасида қувурнинг сезиларли даражада эгилиши ва овал шаклга келиши, қувур деворларининг шикастланиши, бинобарин, қувурдан транспортировка қилинаётган суюқликнинг оқиб чиқиб кетиши хавфи пайдо бўлади. Қувурни бўртиб чиқиш жараёни маълум даражада ундаги бошланғич нуқсонларга ҳам боғлиқдир. Қувурни устини грунт билан ёпиш унинг осилиб турган қисмига кўшимча оғирлик беради, натижада бошланғич эгилишини кучайтиради. Агар қувур ўқи бўйлаб қувур остидаги бўшлиқ тўлдирилса қабарикликлар ҳосил бўлмайди. Бўшлиқни тўлдирадиган материал сифатида шағал, қум, лойли тупроқ ёки заводда тайёрланган маҳсус ўрамлар ишлатилиши мумкин.

Хорижда ер ости иншоотларини бўртиб чиқишини олдини олиш мақсадида сувга тўйинган грунтларда жойлашган ер ости иншоотларининг лаборатория тажриба тадқиқотлари олиб борилади: 1. Хандақни грунт билан

қайта тўлдиришда максимал зичлаш керак; 2. Хандақларни қум билан эмас, балки шағал билан тўлдириш керак; 3. Цемент билан қумни аралаштириш керак. Озроқ бетон қоришмасини қўшиш ҳам қувурни қаршилигини оширади. Бироқ бу усулни мавжуд қувур ва қудуқлар учун қўллаб бўлмайди; 4. Қозиклар ўрнатиш, чунки қозиклар қуйқаланган грунт ҳаракатини олдини олади; 5. Қуруқ бетонли ер ости блокларини қўллаш грунтни қуйқаланишини камайтиради. Ушбу натижалар Ўзбекистон шароитига мослаштирилиши талаб қилинади.

Ер ости қувурларини сейсмик мустаҳкамлиги бўйича Япония, АҚШ, Россия ва бошқа давлатларнинг қувурлардан ишончли ва хавфсиз фойдаланишни таъминлаш кўзда тутилган тадбирлари ҳисобга олинган меъёрий ҳужжатлари таҳлил қилинди:

– қувур трассаси бўйлаб грунтнинг бир хил текисликда бўлмаслиги бир хил текисликдагига нисбатан қувурда катта деформацияларни келтириб чиқаради. Зилзилабардош қурилишда қувурнинг ер ости силжишини ҳисобга олиш керак. Бўртиб чиқишни моделлаштириш учун “қувур – грунт” тизимида бўйлама ва кўндаланг йўналишдаги ҳамда тажрибавий аниқланадиган функциялар орқали ифодаланадиган ўзаро таъсири моделидан фойдаланиш лозим;

– тектоник бузилишлар эҳтимоли бўлган ҳудудларда қувурларни ўтказишда сиқилиш ва ўртача эгилишга ишлаш имкониятини эътиборга олиб кўмиш керак бўлади. Сиқилишга ишлашга мажбур қиладиган қувурнинг кўмилиш чуқурлигидан имкон даражада четлашиш керак бўлади. Қувурнинг узилишсиз чўзилиш деформациясига чидамлик қобиляти унинг сиқилишдаги деформациясидан анча кам. Ҳар қандай сиқилишдаги деформация шундай катталиқ билан чегараланиши керакки, унда қувурнинг эгилиши эзилиш ёки локал устуворликни йўқолишига олиб келмаслиги лозим;
